

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗARO ИНТЕГРАЦИЯСИНИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ

Қобулова Нилуфархон Жалиловна 1

Аннотация: мақолада мутахассисларни тайёрлашда олий таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминловчи “5+1” моделидан фойдаланиш тавсия этилган. Ушбу моделнинг моҳияти шундан иборатки, 2-курсдан бошлаб ўқув ҳафтасининг 5 кунини давомида талабалар ОТМда назарий ва амалий билимлар олиш билан бир қаторда ишлаб чиқариш корхонасида, яъни келажакда ишлайдиган корхонасида 1 кун амалий ўқув машғулотларини ўтайди. Бунинг натижасида талабаларнинг 90 фоизини ўқув кўрсаткичлари яхшиланган.

Калит сўзлар: олий таълим муассасаси, таълим жараёни, “5+1” модели, ўзаро интеграция, профессионал мослашув, касбий тайёргарлик, ўзлаштириш кўрсаткичлари.

Ҳозирда фақатгина ОТМ кучи билан малакали мутахассисни тайёрлаш амалда мумкин эмас. Шу муносабат билан 2017 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПҚ-3151 “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори, 2025 йил 16 январда Вазирлар Маҳкамасининг 14-сон қарорига кўра “Олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом қабул қилинди [1].

Битирувчи амалиёт билан шуғуллангандагина ҳақиқий мутахассис бўлиб етишади.

Таълим жараёнини ташкил этишнинг анъанавий шакллари асосий камчилиги шундаки, машғулотларни ўтказиш талабаларга амалий ва касбий



кўникмаларни эмас, балки маълум бир билимларни олишга қаратилган. Бу университет услуби-кўпинча ўқитувчидан талабага билимларни узатиш услубига

1-расм. “5+1” дастурининг модели

асосланган, яъни билимлар узатилади. Маъруза ўқиш ўқитишнинг пассив хусусиятини акс эттиради. Эшитиш ва ўқиш орқали талабаларни мустақил фикрлаш тажрибаси ортмайди. Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, информацион маърузадан сўнг талабалар материалнинг 30 фоиздан камини эслайдилар, ундан ҳам ёмони, маърузадан кейинги биринчи ҳафта давомида шу маълумотлар ҳам унутилади [2,3,4,5,6].

Юқорида келтирилган муаммони ечимини топиш мақсадида, мутахассислар тайёрлашда олий таълим ва корхоналарнинг ўзаро интеграциясига асосланган ҳолда “5+1” модели ишлаб чиқилди ва амалиётда синовдан ўтказилди.

Ушбу моделнинг моҳияти шуки, талабалар ОТМ да ўқув ҳафтасининг 5 кун давомида олаётган назарий ва амалий билимлар билан бир қаторда ишлаб чиқариш корхонаси, яъни келажакда иш билан таъминланиши мумкин бўлган жойда 1 кун амалий ўқув машғулотларини ўтайди.

Ушбу ўқитиш моделининг асосий тамойили – бу олий ўқув юртига ва корхонага сифатли мутахассислар тайёрлаш жараёнида бир хилдаги масъулиятни юклайди

Корхонанинг манфаатдорлиги, аввало мутахассис ходимларни излаш ва танлаш, тайёрлаш, уларни қайта ўқитиш ва мослашувга кўзда тутилган сарфларни камайтириш, зарур мутахассис ходимларни тайёрлаш имкониятидир. Бунда иш берувчи

мутахассисларнинг касбий билимларини шакллантиришда, битирувчиларни корхонанинг иш шароитларига кўникиши ва мураббийлик системаларини шакллантиришда фаол иштирок этади. Ўз навбатида талабалар нафақат муайян ишлаб чиқариш шароитлари билан танишадилар ва касбий фаолият асосларини ўзлаштирадилар, балки ўқишни тамомлаганидан сўнг мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш имконига эга бўладилар.

1 ва 2-расмда келтирилган схемага асосан, “Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги” таълим йўналиши талабалари ишлаб чиқилган дарс жадвалига мувофиқ, ҳафтанинг ҳар чоршанба кунда тегишли корхоналарга гуруҳларга бўлинган ҳолда борадилар (6-8 кишилик майда гуруҳлар билан ишлаш талабалар билан индивидуал ишлаш имконини оширади, корхоналар учун ҳам муаммо туғдирмайди) (2-расм). Гуруҳларда фанлар кесимида олиб бориладиган амалий дарс машғулотлари аввалдан фан дастури бўйича белгилаб олинади. Бу бўйича тегишли фан ўқитувчилари корхоналарга бориб, дастур бўйича ўтиладиган мавзуларни, уларга зарур жиҳозларни ўрганилди. Талабалар билан дарс жараёнини олиб бориш учун институтдан бириктирилган профессор-ўқитувчидан ташқари, корхонадан ҳам соҳа мутахассислари ўқув жараёнига жалб этилади.

- корхоналарда амалий машғулотларни “5+1” модели асосида ўтказиш талабаларнинг келажакдаги касбига яхшироқ мослашишига имкон яратади;

-корхонанинг манфаатдорлиги, аввало, мутахассис ходимларни излаш ва танлаш, тайёрлаш, уларни қайта ўқитиш ва касбий мослашуви учун кўзда тутилган сарфларни камайтириш, сифатли мутахассис ходимларни тайёрлаш имкониятини яратилишидир;

-ўқув жараёнига “5+1” моделини қўллаш талабаларнинг фанларни муваффақиятли ўзлаштиришини таъминлайди, ўз-ўзини доимий ва объектив назорат қилишга ўргатади.

Фойдаланилган адабиётлар

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратadbирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июл кунги № ПҚ-3151 қарори.

[2]. <https://lex.uz/uz/docs/-7332601>

Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. М.1995.-298с.

[3]. Махмудов А.Х., Фефелов В.С., Камилова А.Б. Инновационные пути педагогического прорыва. -Ташкент, 2019. -№6. - С.3-9.

[4]. Макхмудов А. Диагностис течнологй компетенсей траининг фор мастер оф энгинееринг спесиалтй //Тхе Адвансед Ссиенсе. - УСА. 2012.- №4.- П. 7-10.

[5]. Вангородский С. И. Преподаватель ОБЖ, и спасатель / Вангородский С. // Основы безопасности жизни. 2005.- № 2. - С.22-26.

[6]. Малаян К. О некоторых проблемах обучения в области безопасности жизнедеятельности / Малаян К.// Основы безопасности жизнедеятельности. 2004. - № 11. - С. 12-14.